

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Дўст

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 89 — 90

(2626 — 2627)

1993 йил

12 НОЯБРЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

Тантана кўнгилдагидек ўтди

Тошкент вилояти ИИБ ходимлари бу йил милиция кунини фуқароларнинг осойишталиги ва хавфсизлигини мардона ҳимоя қилган ҳолда, жамоат тартиби ва умумхалқ мулкани кўриқлашдаги намунали хизматлари билан кутиб олдилар. Шодиёна нишонланадиган кун ИИБ катта мажлислар зали кўркем қилиб безатилди, унга вилоятнинг барча туман, шаҳар ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ходимлар, фахрийлар таклиф этилди.

Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи, милиция генерал-майори Н. Исмоилов Ўзбекистон милицияси кунига бағишлаб маъруза қилди, йигилганларни милиция кун билан самимий қутлади.

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Шокир Икромов ушбу кун муносабати билан юзга яқин алоҳида ўрнатган ички ишлар ходимлари номларини ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг Республика ИИБ Ички қўшинлари дастасининг санъаткорлари ижросида куй ва қўшиқлар янгради, миллий рақслар ижро этилди.

М. МИРСОВУРОВ,
милиция подполковниги.



МИЛИЦИЯ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

9 ноябрь кун ИИБ Республикаси Ички ишлар вазирлигида милиция кунига бағишланиб, катта тантана бўлиб ўтди.

Тантанани Республика ички ишлар вазирлигининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Ҳ. Ҳайдаров очди ва барча йигилганларни милиция кун билан чин дилдан муборакбод этди.

Шундан сўнг вазирлик ҳовлисида юрт, эл осойишталиги йўлида ўз жонини қурбон қилган милиция ходимлари хотирасига ўрнатилажак ёдгорлиқнинг рамзий тоши очилди.

Сўзга чиққан Вазирлик фахрийлар Кенгашининг раиси, истеъфодаги генерал-лейтенант Б. Ҳ. Сирожиiddинов ҳам ички ишлар

идоралари фахрийлари номидан тўпланганларни самимий қутлади.

Кейинги вақтларда Вазирлик билан яқин алоқа ўрнатган Ҳамза номли Академик драма театрининг раҳбарияти ва бир гуруҳ етук санъаткорлари ҳам бугунги шодиёнанинг иштирокчилари бўлдилар.

Республика ИИБ Ички қўшинларининг намунали оркестри создалари, кўзга кўринган хонанда, раққоса ва кизикчилар йигилганлар кўнглини шод эттишди.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТДА: тантанадан лавҳа.
Е. БОТИРОВ олган сурат.

ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

ХАЗИНАЧИНИНГ ХАЗИНАСИ

Р. Ниезматова Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл туманидаги тиббиёт ўқув юртининг хазинабони. Касбидан кўра хазинасини яхши кўрадиганлар хилидан. Бу эса яхшиликка олиб келмайди. Р. Ниезматованинг бир миллион 334 минг сўм давлат пулини хазинадан ўмарганлиги бунинг яққол далилидир. Ҳозирда "опа"нинг устидан жиноий иш кўзгатишган.

ХУДДИ ШУНИНГДЕК

Тошкент шаҳрининг Бектемир туманидаги акционерлик жамиятига қарашли 13-дўкон мудир К. А. ҳам олти ой бадалида миллионер бўлди-қўйди. У шу муддат ичида давлатнинг икки миллион 155 минг сўмлик моддий бойликларини талон-торож қилган.

ЯНА БИР МУДИР

яъни пойтахтнинг Яккасарой туман акционерлик жамиятига қарашли 9-дўкон мудир А. М. ҳам ўз фойдаси учун ишлаш йўллари билар экан. У ун, гугурт, кир совун ва ароқдан 781 минг

сўмлигини бир бурчакка яшириб қўйибди. Ички ишлар ходимлари унинг дўконидан яна 280 минг 663 сўмлик ортиқча молларни ҳам топишди. Тергов кетмоқда.

ҲОЙДАЛИ НАРСАНИНГ ЗАРАРИ

7 ноябрь кун Хоразм вилояти, Богот туманидаги Хоразм жамоа хўжалигида яшовчи, 29 ёшли О. Қурбонваннинг икки фарзанди — 11 ёшли Боғибек ва 8 ёшли Дилшод Раҳимовлар табиий газдан заҳарланишди. Болакайлар касалхонага келтирилган. Аммо Боғибекнинг умри қисқа экан...

"ҲАМ ХИЗМАТ, ҲАМ ТУҲМАТ" БЎЛДИ

Сирдарё кўчаларида хотиржам айланиб юрган Файзиёвни номаълум шахс талади. Талончи киссасидаги 155 минг сўмни тортиб олиш билан чекланмади: яхшигина ҳақорат ҳам қилди.

Файзиёв эса нажотни ички ишлар идоралари ходимларидан топди. Зўравон дарҳол ушланди.

Ш. РЎЗИЕВ,
Республика ИИБ Матбуот маркази ходими.

МАЪРИФАТ ДАРСЛАРИ

Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасида ҳам "Маърифат дарслари"ни ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Ўтган дарслар мобайнида бошқарма шахсий таркиби бир қанча ижодий жамоалар вакиллари билан учрашдилар.

8 ноябрь кун эса "Термиз ва Термизийлар" китобининг муаллифи, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Шониез Сафаров бошқармада меҳмон бўлди. Шахсий таркиб билан учрашувда Ш. Сафаров Термиз шаҳри ва Термизийларнинг тарихи ҳақида атрофлича сўзлаб берди, йигилганларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарди. Учрашув кутилгандан ҳам энеда ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу тадбирларни ўтказишда вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Р. Очилдиевнинг хизматлари катта бўлмоқда.

С. НОРМУРОДОВ,
вилоят ИИБ матбуот гуруҳи
ходими, милиция катта
лейтенанти.

АГАР ЖАМОА АҲИЛ БЎЛСА...



Ҳақиқатан ҳам жамоа аҳил, жипслашган бўлса, бир мақсадни кўзлаб яшаса, иш ҳам олға силжийди, салмоқли натижаларга ҳам эришилади.

Тошкент бекатининг темир йўл ички ишлар бўлимидаги ходимлар тўққиз миллатга мансуб бўлиб, улар бир-бирларига ҳамдард ва ҳамкор.

Яқинда ВЕИН катта нозир, милиция майори С. Коробконинг оиласида қайгули воқеа юз берди, унинг оғир касал етган умр йўлдоши вафот этди. Бўлимнинг навбатчиларидан ташқари ҳамма ходимлари уйига бориб, қайтуга ҳамдард бўлдилар, ана шу оғир пайтда ҳам маънавий, ҳам моддий томондан ердам бердилар.

Жилга бекатида яшовчи милиция сержанти С. Тайлоков уйланганида барча ходимлар унинг қувончли қу-

нида шерик бўлдилар, келин-ку-евларни табриклаб, янги оилага бахт-саодат тиладилар.

Милиция капитани Р. Умургазин темир йўл ИИБ бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланганига бир йилдан ошди. Ишни у интизомни кучайтиришдан бошлаб, офицерларга ҳам, сержантларга ҳам бир хилда талабчан бўлди. Хизматни ўташда ҳам, формали кийим кийишда ҳам, ўзаро ва ердам сўраб мурожаат қилган фуқароларга нисбатан муносабатда ҳам ана шундай йўл тутди. Жамоанинг ҳаётига бу нарса ижобий таъсир қилди. Темир йўл ИИБ ходимлари яқинда яқунланган "Вокзал-93" тадбирида фаол иштирок этдилар (бу тадбир қандай ўтгани ҳақида газетамизнинг 2-саҳифасида батафсил маълумот

берилмоқда). Уларнинг куч-ҳаракатлари, юксак касбий тайергарлик кўрганликлари туфайли тадбирни ўтказиш давомида бир қанча жиноятлар, шу жумладан гуруҳ бўлиб содир этилган ва гиёҳвандлик моддаларини сақлаш, тарқатиш ҳамда ташиш билан боғлиқ жиноятлар очилди.

Қидирувда бўлган бир неча жиноятчи ушланди, чиптасиз йўловчиларни ташиш, темир йўл чипталарини чайқов нархда сотиш фактлари аниқланди ва уларга нисбатан чора кўрилди.

Ж. ҚУРБОНАЛИЕВ,
Тошкент бекатидаги темир йўл
ИИБ ПХБ нозир, милиция
лейтенанти.



СУРАТЛАРДА: милиция старшинаси У. Қурбонбоев йўловчининг юқини кўздан кечирмоқда; милиция сержанти К. Қўчқоров йўловчиларнинг йўл чипталарини текширмоқда; тезкор навбатчи, милиция капитани Т. Абдурахмонов ўзига қарашли ҳудуддан навбатдаги хабарни қабул қилиб олмоқда; милиция катта лейтенанти З. Содиқов йўловчилар тушган поезд келгандан кейин проводниклардан бири билан суҳбатлашмоқда (юқоридан ўнда).

Муаллиф олган суратлар.




Октябрь ойининг ўн кунли мобайнида республика ички ишлар идоралари томонидан бир мақсадга йўналтирилган, кенг қамровли тезкор-профилактик тадбир ўтказилди.

Газетанинг олдинги сонидида "Вокзал-93" деб шартли номланган, бир мақсадга йўналтирилган, кенг қамровли тезкор-профилактик тадбирнинг асосий натижалари ҳақида газетхонларимизга қисқача ахборот берган эдик. Бугун эса ички ишлар идораларининг ана шу кенг миқёсли тадбирини муфассал еритиш учун имкониятимиз бор. Бу тадбирни ўтказишда республика ИИБ Нақлиётдаги ички ишлар бошқармасининг бўлинмалари асосий ролни ўйнади.

Тадбир ўтказиш арафасида юзага келган вазият хотиржам бўлиш учун асос бермас эди. Умумий барқарорлик сақланиб қолган бўлсада, йўловчилар ташиш соҳасида криминоген вазият бирмунча мураккаблашган эди. Темир йўл нақлиётида йўловчилар оқимининг кучайиши, республика ҳудудига бошқа минтакалардан дайди-текинхўр унсурларнинг суқилиб киришга интилиши бунга чуқурлаштирди. Бунга қарши кўрилган чоралар номатлуб ҳолларни бартараф этишга ўз таъсирини кўрсатди, бироқ, кўрилатган чораларнинг узук-юлуқлиги, шунингдек уларни уюштириш ва назорат қилишдаги камчиликлар пироз



Бухоро бекатида 2,7 миллион сўм билан ушланган Олим Д.



296-сонли Термиз-Ашгабат поездидида Гусейн М. 900 грамм афйонни олиб кетишга уринган эди.

"ВОКЗАЛ-93" АМАЛАДА

вард натижаларга салбий таъсир кўрсатди.

Буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб туриб, "Вокзал-93" тадбири ишлаб чиқилди ва у кейинроқ республика ички ишлар Вазирлиги томонидан тасдиқланди. Бу тадбирдан мақсад шохбекатлар ва йўлларда йўловчилар ҳамда поезд бригадаларининг шахсий ва мол-мулкларини хавфсизлигини таъминлаш, республикага жиноятчи ва жамиятга зид бошқа унсурлар суқулиб кириши, яқин хориждан 1961-1992 йилларда чиқарилган қозғолган келтирилиши, уларга харид қилинган моллар ва моддий бойликларнинг четга олиб чиқилишининг олдини олиш, шунингдек қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар, гиёх-вандлик моддалари ҳамда ташиш тақиқланган бошқа нарсаларни республика ташқарисига олиб кетишни назорат қилишдан иборат эди.

Тадбирнинг асосий вазифалари ана шу тарика қилиб белгиланди. Ҳуқуққа қарши хатти-ҳаракатлар энг кўп миқдорда содир этилаётган поездлар ўтадиган участкаларни аниқлаш, йўловчилар ташиладиган ва шаҳар атрофига қатнайдиغان поездларга қарайдиган милиция бўлинмалари ишининг самардорлиги ва натижадорлигини ошириш, поезд бригадаларининг йўлларда йўловчиларни олиш бўйича хизмат вазифаларини белгиловчи йўриқномаларни бажариш борасидаги ишни таҳлил қилиш, шунингдек нақлиёт объектларини дайдирил ва жамиятга зид бошқа унсурлардан тозалаш бўйича қабулхона-тақсимлагичлар ходимларидан тузилган гуруҳлар фаолиятини жонлантириш зарур эди.

Ана шу вазифаларни ҳал этиш учун ИИБ барча хизматларининг ходимлари ва ички ишлар темир йўл бўлинмаларининг шахсий таркиби, ҳудудий идораларнинг ходимлари, шунингдек темир йўл нақлиётнинг жамоат тузилмалари жалб этилди.

Тадбирга раҳбарлик қилиш бўйича тузилган тезкор штаб аъзолари унинг боришини кечакундуз назорат қилиб турдилар. Улар шаклланаётган вазиятга боғлиқ равишда куч ва воситаларни жойлаштиришга ўз вақтида тузатишлар киритдилар ва зарурат туғилганда жиноятларни очишда қўйи бўлинмаларга ердан кўрсатдилар.

Бошқарманинг барча хизматлари — тезкор-қидирув, иқтисодий жиноятларга қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, енгин назорати, тергов, жиноятчиликнинг олдини олиш, эксперт-криминалистик ва тезкор-набатчи хизматлар келишиб олинган ўз режалари асосида ҳаракат қилдилар.

Ўн кун давомида турли жиноятлар ва ҳуқуқ бузишлар содир этгани учун 5214 киши ушланди, жами қарийб 23 килограмм бўлган гиёхвандлик моддаларини сақлаш ва ташишнинг 32 факти аниқланди, қабулхона-тақсимлагичларга 148 киши қабул қилиб олинди. Кўпгина ўғирликлар ва бошқа жиноятлар очилди. Газетанинг олдинги сонидида ҳикоя қилинган фактларни қўйида тўлдирмоқчимиз.

Чунончи, темир йўл ИИБ ходимлари томонидан Тошкентдаги Жанубий шохбекатда бухоролик Собир Ч. ушланди.

1970 йилда туғилган бу йигит поезд кутиш залида йўловчи У. Аҳмадалиевнинг жами 238 минг сўмлик шахсий буюмларини ўғирлаган. Ўғирланган буюмларнинг ҳаммаси эгасига қайтарилди.

Ана шу тадбирлар айниқса Тошкент аэропорти, Бухоро бекати, Қарши, Урганч, Ховос темир йўл ички ишлар бўлимлари ходимлари томонидан фаол ўтказилди.

1961-1992 йилларда чиқарилган, жами 275 миллион сўмдан кўпроқ қозғолган пулни олиб келишнинг 156 факти, жами 60 миллион сўмлик мол ва моддий бойликлар олиб кетилишининг икки юзга яқин фактининг олди олинди.

53-сонли Нукус-Тошкент поездидида кетаётган теженлик Мурод А. дан 11 миллион 800 минг сўм топилди, у бу пулни республикага яширинча олиб келишга уринган эди. Уни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ҳал қилинмоқда.

Айрим фуқароларнинг жами ўн миллион сўмдан кўпроқ миқдорда пул олиб киришга ҳаракат қилинган бир неча уриниши рўйхатга олинди.

Темир йўл чипталарини харид қилиш билан боғлиқ мушкулликлар аввалгидек бу аҳволдан ўзларининг гаразли мақсадларида фойдаланишга ҳаракат қилувчи жиноятчи унсурларнинг фаоллигини рағбатлантирувчи сабаблардан бири бўлиб қолмоқда.

Чунончи, Тошкентдаги Жанубий шохбекатнинг касса залида ИИБ ИЖК бўлими ходимлари томонидан 1974 йилда туғилган андижонлик Ўткир А. ушланди. У кассадан 6132 сўмга Наманганга тўртта чипта олиб, 28 минг сўмга сотаётган эди.

Олдиндан чипталар сотадиган касса залида тошкентлик Ориф К. жами 17 минг 985 сўм турадиган Оренбургга учта чиптани 60 минг сўмга пуллаётганида ушланди.

Тошкент аэропортининг юкларни текшириш бўйича ходими Раҳим Х. Тошкент-Зарафшон рейси авиабилетини бошқа одам номига расмийлаштириб, гайриқонуний равишда бунинг учун 5 минг сўм олаётганида ушланди.

Йўловчилар тушган вагонларнинг проводниклари содир этаётган суиестемоллар сони камаймаяпти, улар ўз хизмат мавқеларидан фойдаланиб, чиптасиз йўловчилар ва ҳақи тўланмаган юкларни ташиш билан мунтазам равишда шугулланмоқдалар.

Ховос бекатида 33-сонли Андижон-Москва поезди текширилганда вагонлардан бирида чиптасиз тўрт йўловчи борлиги аниқланди, улардан проводник Қодир А. Қўқон бекатидан Тошкент бекатига келишлари учун 8 минг сўм олган ва уни ўзлаштирган.

97-сонли Москва-Тошкент поездидида чиптасиз икки йўловчи бўлиб, улардан проводник Махмуд А. Урганч бекатидан Тошкент бекатига бориш учун 18 минг сўм олиб, ўзлаштирган.

Йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этишда давлат енгин назорати ходимларининг ишига катта ўрин ажратилди. Йўловчилар ташиладиган 864 вагон ва йўловчилар кўп бўладиган 43 объектнинг енгиндан хавфсизлик-техник жиҳатлари ўрганиб чиқилди.

Бунда енгин хавфсизлиги қоидалари бузилишининг 434 факти аниқланди, уларнинг 176 таси шу жойнинг ўзида бартараф қилинди. 33 бино ва иморатнинг камчиликлари бартараф этилгунга қадар улардан фойдаланишни тўхтатиб туриш ҳақида қарор қабул қилинди. Енгин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун 83 мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Жумладан, 2-сонли вагон депосининг бошлиғи Ф. Дадахўжаев ва шу депонинг бош муҳандиси А. Титов, Тошкент-Шимолий бекати бош энергетиги У. Мўмин-жоновларга жарима солинди.

Темир йўл нақлиёти ходимларининг фаолиятида тадбир давомида аниқланган барча камчиликлар ҳақида Ўрта Осиё темир йўлининг раҳбарияти хабардор қилинди.

Ўсмирлар томонидан темир йўл нақлиёти объектларида содир этилаётган ҳуқуқ бузишлар алоҳида таъшиш уйғотилади.

Улар ичида энг кўп тарқалгани ўтиб бораётган поездлар деразаларининг ойналарига тош отиб уларни синдириш ва рельсларга турли қаттиқ нарсаларни қўйиб қўйишдир. Тадбирни ўтказиш вақтида ВЕИН ходимлари бу хил ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишга доир фаол чоралар кўришди. Йўловчилар ташиладиган ва шаҳар атрофига қатнайдиغان поездда мунтазам бўлиш, темир йўл магистрალი бўйлаб биркитилган участкалардан доимий хабар олиб туриш, меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида чиқишлар, шунингдек ҳисобга қўйилган вояга етмаганлар билан яккама-якка тартибда суҳбатлашишлар ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишда асосий йўналишлар бўлди.

Ҳуқуққа қарши қаратилган турли хатти-ҳаракатлари учун ВЕИН га 319 ўсмир олиб келинди. Поездларнинг дераза ойналарини синдирилишига доир 10 факт бўйича 17 ўсмир, рельслар устига турли нарсаларни қўйиш фактлари бўйича эса етти ўсмир аниқланди. Дераза ойналарини синдириш натижасида келтирилган моддий зарар ўсмир

ларнинг ота-оналаридан тўлиқ ундириб олинди.

Умуман олганда мақсадга йўналтирилган, кенг қамровли "Вокзал-93" тезкор-профилактик тадбирининг ўтказилиши темир йўл ва ҳаво нақлиёти объектларидаги аҳволнинг барқарорлашишига ижобий таъсир кўрсатди.

Республика ИИБ Нақлиёт ички ишлар бошқармасининг бўлинмалари томонидан тегишли жамоат тартибини ўрнатиш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича олиб борилаётган иш давом этмоқда.

А. ВОРГУДЯЕВ.



Олоғ бекатида Темур Л. каттагина миқдорда марихуана билан ушланган



33-сонли поездда Қўқон-Яйпан оралиғида ушланган Алексей А. 1500 грамм кўкнорни ана шундан йўл билан олиб кетмокчи бўлган эди.



Қўқон бекатида ушланган Сергей К. қарийб 7 килограмм гиёхвандлик моддасини анча "такомиллашган" усул ердамида олиб кетмокчи бўлган.

Суратларни Ўзбекистон Республикаси ИИБ ИИБ ЭКО ходимлари тақдим этганлар.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Газеталардан бирида чоп этилган "Мени кечиринг, одамлар" сарлавхали тахрирсиз хатда, озодликдан маҳрум этилган маҳбуснинг зонадан туриб кишиларга "Одамлар, қадамингизни ўйлаб босинг. Жиноят кўчасидан нарироқ юринг" дея қилган мурожаатида катта маъно ётади. У гарчанд кеч бўлса-да, ўзинининг қаттиқ янглишганини англаб етган. Демак, ҳар доим қаерда ва қайси иш билан банд бўлмайлик, виждонан, ҳалол ишлаб, "Етти ўлчаб, бир кесишга" тўғри келади. Одамларнинг шундай пушаймон емаслиги учун жиноятнинг олдини

олишда Тошкент шаҳар ИИББ жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати бошқармаси раҳбарияти, ходимлари ва жойлардаги бўлимлари маҳаллаларда бўлиб, кенг омма ичида ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар, амалга ошириладиган, қилинаётган ишлар юзасидан ҳисоботлар бермоқдалар. "Ҳамкорликда — ҳикмат кўп" деган мақолга чуқур эътибор берган ҳолда маҳалла аҳли билан ҳамкорликда ишлашни ҳеч қанда қилмаётганлар. Бу борада, айниқса, Мирзо Улуғбек тумани ИИББ жиноятчиликнинг олдини олиш бўлими участка вакилларининг

айни пайтда амалга ошираётган ишлари диққатга сазовордир.

Раҳбариятнинг кўрсатмаларига амал қилган ҳолда ҳар бир участка вакилларининг фаолияти назорат остига олинган.

— Маҳаллалардаги кўпни кўрган отахонлар, маҳалла фаоллари билан мулоқотда бўлиш, улар билан суҳбат қуриш кишига маънавий озуқа беради. Чунки "Қари билганини пари билмас" дея бежиз айтмаган халқимиз. Халқ осойишталигини сақлаш, уларнинг тинч яшашларини таъминлаш асосий вазифамиздир. Яъни нимаики қилаётган бўлсак халқ

учун. Агарда жамоатчилик бош кўшса, жиноятчилик илдири қирқилади, — дейди жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати бошлиғи, милиция подполковниги Шарифхон Умархонов.

Яқинда ушбу хизмат ходимларининг Яккасарой туманидаги "Яккасарой-1" маҳалла фаоллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашуви маҳалла кўмитаси раиси Орифхожи ака Алимаҳсумов очди. Сўнгра Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг биринчи муовини, милиция полковниги Турсунхон Худойбергенов маъруза қилиб, йиғилганларга шаҳардаги бугунги вазият тўғрисида маълумот берди, жумладан, оғир жиноятлар қамайиб, уларни очиш кўпайганини

таъкидлаб ўтилди. Бундай кўрсаткичларга эришишда Яккасарой тумани ИИББ милиция ходимларининг катта ҳиссаси борлигини айтиб, маҳалла аҳлининг ушбу туман милиция ходимларига бераётган ёрдамлари учун миннатдорчилик билдирди ва янада уюшқоқлик билан ҳамкорлик қилишга давъат этди. Сўнгра участка катта вакили, милиция капитани Холжигит Жуманазаров 9 ой давомида амалга оширган ишлари ҳақида тўпланганларга ҳисобот берди.

Шунингдек, туман прокурори Бахтиёр Ҳақназаров сўзга чиқди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари йиғилганларнинг саволларига батафсил жавоб берди.

О. МАҲМАЮСУПОВ.

Ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ҳар қандай одамни ўйга толдиради. Ҳукуматимиз ва шахсан Президентимиз томонидан ёшларга ғамхўрлик қилинаётган, уларнинг ўқиш, ишлаш ва дам олишлари учун барча шароитлар яратилган бўлса-ю, ёшларимиз тўқликка шўхлик қилиб, жиноятга қўл уриб юришса?

ЁШЛАР

Жиноят содир этган ўспиринларнинг ота-онаси билан суҳбатлашсангиз, улардан доимо битта, болам бу ишни ёмон болаларга қўшилиб қилган, менинг болам яхши, деган жавобни оласиз. Ҳеч ким ўз

БАРЧАНИНГ

фарзандини ёмон, дегиси келмайди. Ахир қирпи ҳам боласини юмшогим дейди.

Биз фарзандларимизнинг тарбиясига бефарқ қарамаслигимиз, уларнинг тарбияси билан мунтазам шугулланишимиз керак. Ёшларни жиноят йўлига эмас, адолат йўлига кириб, юртимизга, халқимизга хизмат қилишида биз, катталар кўмак беришимиз зарур. Лекин шунинг очик айтиш лозимки, биз бу ишни тўлиқ урдада олмаганимиз.

Ҳозирда содир этилаётган жиноятларнинг кўпчилиги ўғирликдан иборат бўляпти. Ўғирликни эса кўп ҳолларда тоғни урса талқон қиладиган ёшгина йигитлар содир этишяпти.

Чимбоймиз қишлоғида яшовчи, 1975 йилда туғилган Дилшод Солдатов ақл бовар қилмайдиган ишга қўл урди. Бу полвонқомат йигит ўз ҳамқишлоғи Равшан Мусавнинг уйига ҳеч тортинмасдан кириб, унинг 12 қоп картошқасини ўғирлаган.

Унинг тенгдоши — 1976 йилда туғилган Фарҳод Каримов эса, Ғазалкент шаҳрида яшовчи Ҳуринисо Бегматованинг уйдан гиламни худди ўзиникидай олиб чиқиб кетган.

1976 йилда туғилган икки шоввоз — Москаленко билан Молесев ғазалкентлик Солиҳа

Денишеванинг хонадонидан тилла узук ва 20 минг сўм пулни ўтариб кетаётганларида қўлга тушди.

18-хунар-техника билим юртининг талабаси Абдураҳмон Ғазалкентда яшовчи, 1976 йилда туғилган Муродилла Жамолонинг магнитофонини, Чорбоғ қўрғонидан яшовчи, 1976 йилда туғилган Бахт Жунисов эса, хўжакентлик Имомжон Ҳамидбоевнинг магнитофонини ўтариб кетишган.

Бахтиёр Гуломов ҳамшаҳар

ТАРБИЯСИ

ҳамтовоқлари — Абдуқодиров ва Мирзааҳмедовлар билан ўзаро тил бириктириб, Ғазалкент шаҳар "Қурувчилар" кўчасида истиқомат қилувчи Х. Ертов хонадонидан умумий нархи 52 минг 350 сўмлик бисотни ўғирлаб

ИШИ

кетадилар.

Бу воқеадан кейин Бахтиёр Гуломов жиний жавобгарликдан қочиб юради ва шу вақтнинг ўзида қўшнис Сайдгани Манноповнинг уйига кириб, 50 минг сўмдан ортиқ турадиган кийим-кечакларни ўғирлаб кетаётганда ходимларимиз томонидан қўлга олинди.

Юқорида номлари зикр этилганлар туманимиз ҳудудида яшовчи, ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёшлар. Афсуски, навқирон йигитларимиз тўғри йўлдан тойиб, эгри йўлга кириб кетмоқдалар. Бу ачинарли ҳолнинг кўпайиб бораётганлиги ота-оналарни, кенг жамоатчиликни ташвишга солмоғи керак.

Ёшларга, фарзандларимизга ҳалоллик, тўғрилик, одоб-ахлоқ ҳақида ҳамиша гапириб, унинг ижросида ўзимиз ўрнак бўлмоғимиз, ёшларни ёмонликдан қайтариб, тўғри йўлга солмоғимиз зарур.

Т. РАСУЛТОВЕВ,
Бўстонлик тумани ИИБ
бошлиғининг шахсий таркиб
билан ишлаш бўйича муовини,
милиция майори.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Тошкент вилояти Бекобод тумани 13-округ кенгаши депутати Ж. Маматкулованинг мактуби мазкур мақолани езишимга ундади.

Жамила Маматкулова ўз хатида Бекобод тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, ЖТСХ бошлиғи, милиция майори Ким Олег Васильевичдек виждонли инсонлар кўпроқ бўлса, юртимизда тинчлик осойишталик барқарор бўлади, деб ёзади.

Ҳақиқатан ҳам О. В. Ким ички ишлар идораларида 15 йилдан бери ҳалол ишлаб келмоқда. Шу давр ичида кўплаб жиноятларнинг очилишида, ҳозирги пахта терим-йигимида ўн учта жамоа ва бир давлат хўжалиги участкаларида жамоат тартибини сақлаш, йўл

транспорт ходисалари олдини олиш ишларида сардорлик қилмоқда. Вақт билан ҳисоблашмай, эл осойишталиги йўлида қайғурмоқда.

Ҳозирда ҳар бир ички ишлар хизмати ходими Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримовнинг ташаббуслари билан Республикада уюшган жиноятчиликка қарши олиб бориладиган курашда ўз хиссасини қўшмоқда. Халқ ўртасида тотувлиқни, одамлар орасида дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда.

Милиция майори О. В. Ким ҳам ана шундай фидокор кишилардан.

Р. ТУРҒУНОВ,
милиция старшинаси.

УЧАСТКА ВАКИЛИ

ҲАЁТИДАН БИР ЛАВҲА

Катта участка вакили, милиция майори Тоҳиржон Рахобоев окшом пайти ўзига бириктирилган маҳалла томон одимлаб бораётган эди, "Мунис" қаҳвахонаси олдида ш о в қ и н - с у р о н кўтарилаётганлигини эшитиб қолди. У дарҳол, воқеа сабаби билан қизикди. Г.Таманов деган шахс ширакайф ҳолда безорилик қилиб, йўловчи Р. Тожибоевни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлар, унинг йўлини тўсганича урмоқчи бўлиб дағдага қиларди. Тоҳиржон тезда безориликнинг олдини олди.

Зўравон Г. Таманов таянч пунктига олиб келинди. — Гражданин начальник! Сиз ўзингизга бириктирилган ерга хўжайинчилик қилинг-да, — деди ўжарлик билан безори. — Бошқалардаги ишга бурнингизни сука...

нима қиласиз?

— Мен бурчимни бажараяпман, — деди унга жавобан Тоҳиржон. — Жанжални кўра била туриб, ундан кўз юмиб ўтишга ҳақим йўқ.

Ҳа, майор ҳақ. У кўзи ўнгидан содир бўлган безориликка бефарқ қаролмади. Безорилик ўзга участкада содир этилган бўлсада, дарҳол унинг олдини олди. Жабранувчи ва гувоҳлар иштирокида ҳужжат тузди. Г. Таманов қилмишига яраша жавоб берадиган бўлди. Аммо катта участка вакили Тоҳиржон безорини тутган окшом ўз уйи, болалари аҳволидан хабар ололмади. Кўнгирик қилиб, падари бузруквори—95 ёшли Эргаш отага иш билан ушланиб қолганини, бу кеча берадиганлигини айтиб, хавотир

олмасликларини, кенжабойи Исламжоннинг туғилган кунини усиз нишонлашларини тайинлади...

Ўша туни Т. Рахобоев бошлиқ участка ҳудудида ҳеч қандай кўнгилисизлик юз бермади. Бироқ эрталаб "Қорасув" деҳқон бозори атрофида талончилик содир этилганлиги ҳақида маълумот келди. Тоҳиржон зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб борди. В. Мардинова исмли аёлни бир номаълум шахс кўрқитиб, 60 минг сўм пули ва нарсаларини олиб гойиб бўлибди. Майор Рахобоев шогирди, еш участка вакили, милиция лейтенанти Нўъмон Маматов билан талончини излашга тушди. Безори ҳатто изини йўқотишга ҳам улғуролмай қолди.

Катта участка вакилининг қатъий ҳаракати туфайли бор-йўғи икки соат ичида у қўлга олинди. У Бўка тумани, Ҳамза номли жамоа хўжалигида яшовчи, 1965 йилда туғилган Ҳусан Ҳамдамов деган шахс экан. Жабранувчининг омонати ўзига қайтарилди. Талончи эса суд олдида жавоб берадиган бўлди.

Бу республикада хизмат кўрсатган участка вакили, милиция майори Тоҳиржон Рахобоевнинг меҳнат фаолиятидан атиги бир шингил, ҳолос. У 1976 йилдан бери ички ишлар соҳасида хизмат қилиб келмоқда. Нихол бир ерда воқеа ётади, деганларидек Рахобоев ҳам Тошкент шаҳар, Миробод тумани ички ишлар бошқармасида узок йиллардан бери участка вакили вазифасида ҳалол ишлаб келмоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида унинг шахсан ўзи ўн бешга яқин жиноятни очди. Тоҳиржон Рахобоевни гоҳ кўча айланиб юрганда, гоҳ Гафур Гулом номли маданият уйида, маҳалла аҳли орасида жиноятчиликнинг олдини олиш мавзусида суҳбат ўтказиб турганида учратасиз. Тиниб-тинчимас бу катта участка вакилини "Мунис" маҳалласида каттадан-кичик барча ҳақли равишда, "Бизнинг осойишталик посбонимиз", деб аташади.

С. РАВШАН.



ТЕКИН ТОМОҚЛАР

Вилоятимиз ички ишлар идоралари ходимлари томонидан кўплаб самарали ишлар амалга оширилмоқда. Буни қуйидаги мисоллар асосида кўришимиз мумкин.

Номаълум шахслар Наманган шаҳар, Отамирзаев кўчасида жойлашган "Ойдинкўл" фирма устахонасига ойнани синдириб кириб, у ердан 100 минг сўмлик аёллар ва эркаклар туғлиси қолипларини ўғирлаб кетгандилар. Тезкор қидирув ишлари натижасида ўғирлар — Умар ва Сайфиддин исмли йигитлар хибсга олинди.

Косонсой туманининг "Косонсой" давлат хўжалигида яшовчи Устабоевнинг ҳовлисида бир гектар майдонда етиштирган ерғоқ ҳосили ўмарилди. Милиция ходимлари ерғоққўр Неъматжон исмли йигит эканлигини аниқлашди.

Умумий овқатланиш корхонасида ошпаз бўлиб ишловчи Наманган шаҳар фуқароси Абдуллаевга қарашли "Москвич-412" маркали автомашинадан қиймати 26 минг 700

сўмлик турли нарсалар ўғирлаб кетилганди. Қидирув ишлари натижасида ўғирлар ушланди. Улар Наманган шаҳар фуқаролари, бекорчи Улуғбек ва Қобил исмли йигитлар экан.

Бошқа тур жиноятларнинг очилиши ҳам олдинги йилларга нисбатан бир неча баробарга кўпайди.

Б. КАРИМОВ,
Наманган вилояти ички
ишлар бошқармаси ходими.

ДУШАНБА

15 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Музыка оҳанглари". Телефильм. 18.25 "Тараққиёт замини". Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига. 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Тановар" миллий рақс ансамблининг концерти. 20.00 "Саҳродаги қўриқхона". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклири. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. "Мерос". "Бобурийлар шажараси". 21.30 П. Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 1-қисм. 22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Бузулук ўрмони". Телефильм. 19.30 "Лаҳза" Хабарлар. 19.50 "Ўтмишсиз келажак йўқ". 20.20 "Билиб қўйган яхши". 20.40 "Лаҳза". Хабарлар. 21.00 "Ассалому алайкум".

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚКАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 15 ноябрь кун "Орбита IV" кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб намойиш этилади.

"ОРБИТА IV"

15.00 Янгилар. 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 15.25 "Телемикст". 16.10 "Мусликий башорат". Кўп серияли телефильм премьераси. 16.40 "Истедодлар ва муҳлислар". 17.20 "Икболи кулганда". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.35 "Шеърӣ альбом". Г. Шергова. 18.55 "Гол". 19.25 "Хужжатлар ва тақдирлар". 19.40 "Хафтаннинг акс садоси". 20.10 "Қандай қилиб бой бўлиш мумкин?". Телевикторина. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёшлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Турмуш иқир-чиркирлари". Бадий телесериал премьераси. 23-серия. 21.55 "Спорт уик-энди".

"Янги студия" таништилади:

22.10 "Эркак ва аёл". 22.55 "АТВ-брокер". 23.00 "Джем-сейшн". 00.45 "Бомонд". 01.15 "Мен". Танаффус пайтида — (24.00) Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Россияда бизнес". 9.30 Мульти-пульт. 9.45 "Осойишталик №9". 10.45 А. Шнитке асарлари янграйди. 11.15 Хонаки экран. "Беш оқшом". Бадий фильм. 12.45 "Ўз-ўзига режиссер". 13.15 "Шаҳарча". Дам олиш кўрсатуви. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.05 "Бозор томон йўл". 14.20 Кинокиссалар. "Сукунат". Бадий фильм. 1-серия. 16.00 "М-трест". 16.15 Болалар учун янгилар. 16.30 "Бола тилидан". 17.00 "Қутқариш хизмати 911".

18.00—19.45

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.45 Душанба кун детектив. "Лаки страйк" таништилади. "Сенат тергов". Бадий фильм. "Криминал ҳодисалар" сериалидан. 20.40 "Бахтли тушлар таъбири". 21.10 "Муслика йирик планда".

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 "Ҳақиқат оилари". 23.30 Катталар учун мультфильм. 23.35 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида. 00.10 Тунги сеанс. "Хукмсиз уч кун". Бадий фильм (Польша).

СЕШАНБА

16 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Янғирасин шўх ялларлар". 7.50 "Бўрсик учун уй". Мультфильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 "Қувноқ болалар". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 П. Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 1-қисм. 10.20 "Тошкентда куз". Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Натурал сонларни қўлайтириш. 11.00 Эрталар яхшиликка етаклар. "Шаҳзода ва малика". 11.30

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Ўқув кўрсатуви. Информатика. 12.00 "Ёшлик" студияси. "Турун".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кичкинтой" студияси. "Дон бобо даврасида". 18.45 "Эргаш Ҳамроев ҳақида қисса". Телефильм. 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 Дунё воқеалари. 19.35 "Илҳом дақиқалар". Карим Баҳриев. 20.00 "Бўзсув жилолари". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклири. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.10 Қорақалпоғистонда Тошкент маданияти кўнлари олдидан. "Орол оҳанглари". 21.50 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 2-қисм. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Уолт Дисней таништилади...". Мультфильмлар тўплами. 20.10 Фан ҳақида суҳбатлар. 20.40 "Севги ўйлари". Телефильм. 21.10 "Билим сарчашмалари".

"ОМАД" таништилади

21.45 Ёшлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.50, 15.20, 18.20, 21.20, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Кидди-Видди". 9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 Мультфильм. 10.50 "Турмуш иқир-чиркирлари". Бадий телесериал премьераси. 23-серия. 11.20 "Инсон ва қонун". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20 "Эдемга қайтиш". Кўп серияли телевизион бадий фильм (Австралия). 1 ва 2-сериялар.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Ишбилармонлар хабарномаси". 15.40 "Конверсия ва бозор". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Иш". 16.25 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 16.50 "Мелиховадан мактублар". Телефильм. 17.10 "Янги номлар". 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "АвтоВАЗ қафолат беради". 18.45 "Хужжатлар ва тақдирлар". 18.55 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.45 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 1-қисм. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёшлар. 21.00 Янгилар. 21.25 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 2-қисм. 22.15 "Мавзун". 23.10 "Матбуот-экспресс". 23.20 Жаҳон шаҳарларининг тунги ҳаёти. Амстердам. 24.00 Янгилар. 00.45 "Экстро НУЖ".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Ҳақиқат оилари".

12.00 Мульти-пульт. 12.10 Хонаки экран. "Оркестр билан катта кўча бўйлаб". Бадий фильм. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.05 Кинокиссалар. "Сукунат". Бадий фильм. 2-серия. 15.50 "Телегазета". 16.00 Россия телевизион театри. 16.25 Болалар учун янгилар. 16.45 "Рост" студияси. "Кимнинг томони?". 17.10 "Трансроссэфир". 17.45 "Мен қахрамонлик кўрсатмадим. Мен яшадим". Ольга Берггольд.

18.00—20.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 243-серия. 21.10 "Мўмин-қобил йўлбошчилар".

21.35 "Қузги сайловолди марафони". 21.45 Катталар учун мультфильм.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.35 "Буржлар туркумидан". 23.00 "Маърифат медалари". 23.45 Санкт-Петербург балети. Ю. Михалина рақсга тушади.

ЧОРШАНБА

17 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Қалбим наволари". 7.50 "Юлдузлар ҳақида эртак". Мультфильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 "Билиб қўйган яхши". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 П. Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 2-қисм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. 11.00 "Ёшлик" студияси. "Сеннинг замондошинг". 11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. 12.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги Фаттоевлар оилавий ансамблининг концерти. 18.40 "Ҳамкорлик самараси". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Хива". Телефильм. 19.35 "Санъат оламида". 20.10 Оқшом эртаклири. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Ҳорманг, пахтакорлар!". Мусликий кўрсатув. 21.35 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 3-қисм. 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Иқтисодчилар мактаби". 20.00 "Спринг". 20.25 "Кинотрида". 21.35 "02" тўлкинида". 21.55 "Евдокия". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

5.50, 15.20, 18.20, 23.40 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Ҳаққа". Болалар ахборот кўрсатуви. 9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 "Савдо кўприги". 11.00 А. Глазунов. "Денгиз". Поэма-фантазия. 11.20 "Джэм". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20 "Эдемга қайтиш". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 13.10 "Осмон фалакда". Кўрсатувни В. Балашов олиб боради.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемикст". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 16.40 Композитор Е. Дога. 17.00 "Қизлар ўртасидаги сир". 17.20 "700 клуби". 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 18.50 "Мулкдор алифбоси". 19.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 20.00 "Севги тарихи". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёшлар. 21.00 Янгилар. 21.20 "Останкино" хит-паради". 22.30 Шахмат параллеллари. Жаҳон чемпионлиги учун шахмат бўйича матч якунлари. 23.00 Янгилар. 23.45 "Матбуот-экспресс". 24.00 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш

матчи. Греция — Россия терма командалари. Грециядан олиб кўрсатилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Мўмин-қобил йўлбошчилар". 9.25 Тонгги концерт. 9.40 "Буржлар туркумидан". 10.10 "Мусликий залп". Халқаро фестивал. 11.05 "Мусликий коллекция". Н. Сторожев. 11.50 Хонаки экран "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 243-серия. 12.40 "Параллеллар". 12.55 "Сафсаталар". 13.25 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.45 Киноафсоналар. "Шамолларга учган умр". Хужжатли фильм. 1-ва 2-қисмлар. 16.15 "Телегазета". 16.25 Болалар учун янгилар. 16.40 "Рост" студияси. "Такой возраст". Ёшлар тележурнали. 17.10 Мульти-пульт. 17.25 "Рус ижозатномаси".

*

18.00 — 20.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.10 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 244-серия. 21.00 "Сизнинг ҳуқуқингиз". 21.15 "Рус қобусномаси". 21.45 "Бизнес: янги номлар".

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 "Қузги сайловолди марафони". 22.45 "60 дақиқа". Си-Би-Эс ва Россия телевиденисининг кўрсатуви. 23.45 "L-клуб". 00.25 Криминал хабарлар экрани. 00.35 "Винил чангалзорларида".

ПАЙШАНБА

18 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Лирик концерт. 7.50 "Содиқ дўстлар". Мультфильм. 8.00 "Қувноқ болалар". 8.20 "Бухоро қоракўли". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида). 9.10 П. Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 3-қисм. 10.30 "Алифбо сабоқлари". 11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 11.15 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим". 11.45 "Дон-ризи-рўзимиз". Қорақалпоғистондан кўрсатув.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Садо". 18.40 "Қашф этилаётган имкониятлар". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Сихат-саломатлик". 20.00 "Билдирсой". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклири. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.10 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 21.45 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 4-қисм. 23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Болалар учун. "Табассум". 20.00 "Одамийлик сабоқлари". 20.20 "Тошкент оқшомлари".

"ОМАД" таништилади

21.20 Ёшлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.50, 15.20, 21.20, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.10 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Греция — Россия терма командалари. 2-тайм. 11.05 "...16 ешгача ва ундан катталар". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20 "Эдемга қайтиш". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 4-серия.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемикст". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Тедди Ракспиннинг

саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 16.40 "Омад". М. Танич ҳақида. 17.10 "Джэм". 17.40 "...16 ешгача ва ундан катталар". Танаффус пайтида (18.00) — Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.50 "Хужжатлар ва тақдирлар". 18.55 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.45 "Миниатюра". 19.55 "Жамоатчилик фикри". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёшлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Жамоатчилик фикри" (давоми). 21.40 "Твин Пикс". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия. 22.40 "Пен-клуб". 23.40 "Матбуот-экспресс". 24.00 Янгилар. 00.45 "MTV".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Кетдик". 9.10 "Таниш чехралар". Мусликий дам олиш танлови. 9.40 Тонгги концерт. 9.55 "Параллеллар". 10.10 "К-2" таништилади. "Абзац". 11.35 Волейбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Россия — Туркия. "Динамо" спорт саройидан кўрсатилади. 12.35 "Жаҳон аёллари". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси. 3-серия. 13.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 244-серия. 13.55 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.15 "Қутқариш хизмати 911". 15.10 Ишдан бўш пайтингизда. "Иш устасидан кўради". 15.30 "Телегазета". 15.40 "Китоблар оламидаги гаплар". 15.55 "Хали англамаган қонинг". 16.25 Болалар учун янгилар. 16.40 "Рост" студияси. "Артзона". 17.10 "Трансроссэфир".

*

18.00—20.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.30 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 245-серия. 21.20 "М-трест". 21.35 "Қузги сайловолди марафони". 21.45 Криминал хабарлар экрани.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 "Қатта жанжал". 23.00 "Қискаси". Мусликий томоша. 23.45 "Тўлиной".

ЖУМА

19 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Эстрада куйлари. 7.50 "Алдарқўса ва бой". Мультфильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 "Ал-Хоразмий ватандоши". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 П. Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 4-қисм. 10.20 "Сулола". Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви: Физика. Электромагнит тўлкинлар.

11.00 "Ҳамид Сулаймон". Телефильм.

11.30 Ўқув кўрсатуви: Зоология. Сузда ва қуруқда яшовчиларнинг ҳаёт тарзи.

12.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Аҳвол қандай, чемпион?". Озода Аҳмедова. 18.30 Раксалар гулдастаси. 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Чорраҳа". 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклири. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Учрашув". Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева. 22.10 "Сурнай навоси". 22.40 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 5-қисм. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Ёнғиндан эҳтиёт бўлинг!". 19.50 "Қалдирғоч". Қиска метражли бадий фильм. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "042 қаерда?". Бадий фильм.

5.50, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 Эртак хузурида меҳмонда. "Оловиддиннинг сеҳри чироғи". Бадий фильм. 11.00 "Саёхатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар.

Театр шинавандалари, сизлар учун! 12.20 "Гамлет" мавзунда мулоҳазалар. Д. Шостакович мусикасига яратилган фильм-балет.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Бридж". 15.50 "Бизнес-класс". 16.05 Эртак хузурида меҳмонда. "Оловиддиннинг сеҳри чироғи". Бадий фильм. 17.40 "Музограф". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.20 "Россия сайловининг акс садоси". 18.40 "Инсон ва конун". 19.15 "03 вагони". 19.45 "Мўъжизалар майдони". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Хафтанинг машхур киши". 21.45 "Твин Пикс". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 6-серия. 22.40 "Матбуот-экспресс".

"ВИД" таништиради:

23.00 "Музобоз". 23.45 "Х" кўрсатуви. 00.45 "Политбюро". 01.25 "Авто-шоу". 01.55 "Обоз" майдончаси. Танаффус пайтида (24.00)—Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Кетдик". 9.10 "Кечки салон" саҳифаларида. 9.40 "Ўз манзили". 11.10 "Ватаним менинг". 12.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 245-серия. 12.55 Мульти-пульт. 13.05 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.30 "Трансрессифир". 14.00 Россия телевизион театри. 15.40 Жума кунлари Дисней. "Ўликлар кўрфазиллик бола". Бадий фильм. 2-серия. 16.30 Болалар учун янгилар. 16.45 Мульти-пульт. 16.55 "Хайвонот оламида".

*

**18.00—19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ****РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**

19.30 "Механик пианино учун тугалланмаган пьеса". Бадий фильм. 21.15 "Кузги сайловолди марафони". 21.25 Рақс марафони. "Бал рақслари".

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 "К-2" таништиради: "САС". 23.25 "Танаффус". В. Леонтьев куйлайди. 23.40 Тунги сеанс. "Бегоналар бу ерда юрмайди". Бадий фильм. 00.55 Волейбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Россия—Финляндия. "Динамо" спорт саройидан кўрсатилади.

ШАНБА**20 НОЯБРЬ****ЎЗТВ I**

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Ёр ва диёр тароналари. 7.50 "Кувнок алдоқчи". Мультифильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 "Чимен. Йил фасллари". Телефильм. 8.20 Мутахассис маслаҳати. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 П. Кодиров. "Бобур". Видеофильм. 5-қисм. 10.30 "Ётти ширин болакай". 10.50 "Ўлмас мерос". Телефильм. 11.10 Хитой тили. 11.40 "Фахрийлар—фахримиз". 12.10 Бастакор Мардон Насимов. Хор ва халқ чолгу асарлари. 12.50 "Аёл қадри".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. "Ўйла! Изла! Топ!". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Хотира". Элбек таваллудининг 90 йиллигига. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Дам олиш концерти. 21.35 Захриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Кодиров. "Бобур". Видеофильм. 6-қисм. 22.55 "Тунги едун". Дам олиш кинопрограммаси.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Сунги ташриф".

Телевизион бадий фильм. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Театр оламида".

"ОРБИТА IV"

6.40, 15.20, 21.20, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 "Матбуот-экспресс". 7.05 "Ишбилармон кишининг шанба тонги". 7.50 Янгилар. 8.30 "Спорт-имконият". 9.00 "Марафон-15"—кич-кинтойларга. 9.30 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 10.55 "Кадрдон тупрок". Экологик кўрсатув. 11.15 "Илҳом манбалари". 11.45 "Веди". 12.25 "Смак". А. Макаревич маслаҳатлари. 12.40 "Инсон институти". А. Дерябин иштирок этади. 13.10 "Ихтилоф". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 6 ва 7-сериялар. 15.00 Янгилар. 15.25 "Пеппи—Узун пайпоқ". Болалар учун кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10-серия. 15.50 "Пул ва снесат". 16.20 "Ультраси". Спорт кўрсатуви. Парашют спорти бўйича жаҳон чемпионати. 17.00 "Кизил квадрат". 17.40 "Ўттиз йил ўтгач. Джон Кеннеди ҳалокатининг сирлари". Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 18.30 "Хайвонот оламида". 19.10 "Оба-на". 19.40 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Ақлли". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Ақлли". Телевизион бадий фильмининг давоми. 22.10 "Резонанс" студияси таништиради. 22.30 "М. Магомаев. Дўстлар билан учрашув". 23.45 "Матбуот-экспресс". 24.00 Янгилар. 00.45 Охирги киносеанс. "Декалог-VII". Телевизион бадий фильм премьераси. 01.40 "Россия-93". Спорт рақслари бўйича халқаро танлов. Нижний Новгороддан кўрсатилади.

"ДУБЛЬ IV"**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**

8.25 "730 формуласи". 8.55 "Сиз яратган бог". 9.55 Ҳужжатли фильм премьераси. 9.55 "Рост" студияси. "Биринчи тайм". "Бизнинг "Аралаш". 10.25 "Изабель". Дам олиш викторинаси. 11.10 Кундузги сеанс. "Мавзу". Бадий фильм.

*

12.45—16.25**"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ**

12.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 12.55 "Ўзбекистон — Англия: ҳамкорлик йўллари". 1-кўрсатув. 13.15 "Мозидан едудлар". 13.45 "Дам олиш соатларида". 14.25 "Кўнгил кўприклари". 14.55 "Авлодлар". М. Ашрафий номидagi Тошкент Давлат консерваторияси Катта залидан репортаж. 15.30 "Д. Жаксон хотирасига". Бокс бўйича халқаро турнир ҳақида. 16.15 "Бу ажиб дунё".

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

16.25 "Гранд-репортаж". 16.55 Театр сафари. "Глобус" Новосибирск ёшлар театрининг "Чайка" спектаклида. 17.40 Россия Федерацияси Олий суди залидан.

*

18.00—20.30**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ****РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**

20.30 "Уинстон Черчилль Чуккига йўл". Кўп серияли бадий фильм премьераси. 8-серия. 21.30 "Россияни қандай эпакага келтириш мумкин?".

*

22.00 Туркия телевидениеси.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 "Мутлақо махфий". 23.30 "Қсуюша хузурида". 24.00 "Динозаврга айланмайлик". 00.15 "Фильм-премьераси". 00.30 "К-2" таништиради: "Америка юлдузлари". 01.00 Волейбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Хорватия — Россия. "Динамо" спорт саройидан кўрсатилади.

ЯКШАНБА**21 НОЯБРЬ****ЎЗТВ I**

7.00 "Ассалому алайкум".

*

8.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Хиндистон). 41-42-сериялар. 10.00 Араб тили. 10.30 Ёш-лик студияси. "Студентлар саҳнасида". 11.10 П. Кодиров. "Бобур". Видеофильм. 6-қисм. 12.30 "Фаннинг ойдin йўллари". 13.00 Эстрада хонандаси

Маъмура Курбонова куйлайди. 13.30 Болалар учун фильм. "Капитан Врунгелнинг саргузаштлари".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. "Ўлғайиш погоналари". 18.30 "Мультипанорама". 19.00 "Хафтаном" (рус тилида). 19.30 "Ойнаи жаҳонда". 19.45 "Оламнинг рангин тасвири". Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев. 20.20 Катталар учун мулътфильм. 20.30 "Хафтаном". 21.10 "Якшанба оқшомида". 21.45 Республика театрларининг телевизион фестивали. Хамза Ҳакимзода Ниезий. "Тошкентга саёхат". Фаргона вилоят театрининг спектакли. 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II**"ОМАД" таништиради:**

17.00 "Мультифейерверк". 17.30 "Курьер". 17.40 "Рок ҳақида". 18.10 "Хар соҳадан бир шингил". 18.20 Болалар учун "Совга". 18.45 "4/8". Мусикий кўрсатув. 19.00 "Даракчи". 19.10 Эълонлар. 19.15 "Видео-О". 20.55 "Курьер". 21.05 "Мусикий йўлка". Мусикий кўрсатув. 21.35 "Даракчи". 21.45 Эълонлар. 21.50 "Видео-О".

"ОРБИТА IV"

6.35, 15.15, 19.15, 22.45, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби. 6.40 Эрталабки гимнастика. 6.50 "Рухни чиниктириш". 7.50 Янгилар. 8.30 "Авто-шоу". 9.00 "Марказ". 9.30 "Эрта сахарлаб". 10.00 "Хамма уйдалигиди". 10.30 "Спортлото тиражи". 10.45 "Тонг юлдузи". 11.35 "Полигон". 12.05 "Марафон-15". 12.45 "Пи" белгиси билан. 13.30 "Мен аелман".

"КТВ-I" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништиради

14.00 "Француз пазандалари сизга тавсия этадилар". 14.10 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

15.00 Янгилар. 15.20 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 16.00 "Саёхатчилар клуби". 16.50 "Хунарли хор бўлмайди". 16.55 Мулътфильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақикий ажина овдовчилар". 17.50 "Панорама". Хафталиқ халқаро кўрсатув. 18.50 Халқ тароналари. 18.45 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 19.00 "Нима? Қаерда? Қачон?". 20.05 "Турнахон". Бадий фильм ("Мосфильм", 1968 й.). 21.55 Эълонлар. 22.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви. 22.50 "Матадор". 24.00 Янгилар.

Тунги эрмаклар

00.20 "Теледартс". 00.50 "Телбалик". Бадий фильм (Буюк Британия).

"ДУБЛЬ IV"**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**

8.25 Мульти-пульт. 8.40 "Хайрли тонг!". 9.10 "Калит" кўрсатуви. "Шохона сафар". 6-қисм. 9.40 Ҳужжатли фильм. 10.00 "Рост" студияси. "Соник" — супер-ежик", "Космос сабоқлари". 10.30 "Здоровье". 11.00 "Ати-бати...". 11.30 Кипрас Мажейка. "Кичик Европадан репортажлар". 12.00 XX аср кадрда ва кадр ортида.

*

13.00—17.05**"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ**

13.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 13.10 "Ўзбекистон — Англия: ҳамкорлик йўллари". 2-кўрсатув. 13.50 "Дунё эшиги". 14.30 "Америка: ўтмишга ва келажакка назар". 15.00 "Шарқ дипломатияси тарихидан". 15.45 Дўстлик тароналари. 16.15 "Безен мирас" (татар тилида). 16.55 "Бу ажиб дунё".

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ


17.05 Диснейнинг сеҳри олами. "Винни Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плашч". 18.00 Телефильм. 18.20 Си-Би-Эс кинотеатри. "Таъсирида". Бадий фильм.

*

20.00—22.20**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ****РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 Катталар учун мулътфильмлар. 22.45 "Овросне-ТВ" таништиради: "Худодлар араваси". Бадий-ҳужжатли фильм. 00.30 "А" программаси.

("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан олинган).

МАНГУ ХОТИРОТ

Бу воқеа 1988 йилнинг июлида, эрта тонгда юз берган эди. Шаҳар чеккасидаги "Чимкент" постида навбатчилик қилаётган ДАН ходимларига қуролли жиноятчилар ҳужум қилдилар. Бундан ҳам олдин кўплаб оғир жиноятлар, шу жумладан қотилликлар ҳам содир этган жиноятчилар шу тарзда яна қуролга эга бўлмоқчи эдилар. Каттол жиноятчилар билан шафқатсиз олишувда Тошкент ИИББ ДАНБ патруль-пост хизмати нозирлари — милиция старшиналари Олимжон Солиевич Асқаров ва Муса Гасан ўгли Гашимовлар ўз жантовар постларида ҳалок бўлдилар. Жиноят қилиб, қочишга уринган жиноятчилардан бирини тутиш пайтида Тошкент ИИБ ДАНБ патруль-пост хизмати нозирлари, милиция катта лейтенанти Маткарим Ҳабулаевич Матчинов оғир яраланди ва у касалхонада вафот этди.

Кўрсатган мардлиги ва қахрамонлиги, ғоятда хавфли жиноятчиларни ушлаш ҳамда зарарсизлантириш чоғида мохирона ҳамда қатъият билан ҳаракат қилганлари учун учала ходим Кизил Юлдуз орденлари билан

мукофотланди. ДАН пости эса улар шарафига "Уч қахрамон" пости деган ном олди.

7 ноябрда бу ерга жуда кўп ки-шилар тўпланишди. Улар орасида республика ички ишлар Вазирлиги, ички хизмат генерал-лейтенанти З. Алматов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков, пойтахт вилояти Тошкент туманининг ҳокими Р. Акбаров, ҳалок бўлган милиционерларнинг қариношлари ва яқинлари, Тошкент ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби бор эди.

Уларнинг ҳаммаси ўз хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларга ўрнатилган ёдгорликнинг тантанали очиш маросимида иштирок этдилар. Ўзга чиққан кишилар ўз сўзларида уларни илиқ сўзлар билан эсга олдилар. Қахрамонларнинг номлари бугунги кунда уларнинг ўрнига келган ки-шиларнинг хотирасида мангу қолади

Р. СОЛИЕВ,**милиция лейтенанти.****СУРАТЛАРДА: тантанали очиш маросимидан лавҳалар.****Суратчи А. ЗУФАРОВ (ЎЗА).****"ОРЗУ"ГА МАДАД БЎЛДИ**

Яқинда Фаргона шаҳар марказий ўйингоҳида Ўзбекистон халқ артисти Икромжон Бўронов раҳбарлигидаги ички кўшинлар ансамбли меҳнаткашларга катта концерт дастурини намойиш этди.

Томошабинлар Ўзбекистон халқ артистлари Нуриддин Хайдаров, Замира Сууюнова, таникли кизикчи Мирзабек Холмедовлар чиқишларидан катта таассурот олишди.

Шуниси диққатга сазоворки, концерт-дастурдан тушган маблағ Фаргона вилояти "Орзу" ногиронлар спорт клуби эҳтиёжини қондириш учун ишлатилади.

И. ФАХСУТДИНОВ,**"Орзу" ногиронлар спорт клуби раиси.****КАТТАЛАР АЙБДОР**

Болаларнинг ўт билан ўйнашлари кўп ҳолларда ғоятда фожиаи оқибатларга олиб келиши хусусида огоҳлантирган кўп сонли лавҳаларга, афсуски, кўпинча эътибор берилмайди.

Ангрендан яқинда олинган хабар бунинг исботидир. Бу воқеа авваллари юз берган шу сингари воқеалардан ҳеч ҳам ажралиб турмайди. Фуқаро К. эрталаб соат ўн бирларда беш, уч ва бир ярим ешли учта боласини уйга қамаб, дўконга чиқиб кетган. Болалар эса гугурт топиб олиб, уни еқиб билан шуғулланганлар. Натижада пахталик

чойшаб ениб кетган. Эшик ва деразалари маҳкам епилган хонада қолган болаларнинг нафаслари бўғилиб, ҳалок бўлишган.

Хонадон енгиндан катта моддий зарар кўрган эмас, лекин норасидаларнинг ҳалок бўлишини нима билан ўлчаш мумкин?!

Аччиқ бўлса ҳам, тан олиш керакки, бу хил фожияларда аввало биз — катталар айбдоримиз!

Р. ЖўРАЕВ,**Ўзбекистон Республикаси****ИИБ ЁСБ катта муҳандиси,****ички хизмат катта лейтенанти.**

БИЗНИНГ СУХБАТ

“Ўз ҳиссамизни кўшаверамиз”

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Илҳом Исмолов билан суҳбат



Бошқарманинг кўримсизгина биноси сув куйгандек жимжит эди. Бир қарашда бу ер менга “милисаҳона”дай туюлмади ҳам. Ховлига ўхшаган жойда жойлашгани учун эмас, тинчлиги учун. Аммо бу ташқи кўринишдангина шундай экан. Бошқарма бошлиғининг куйиб-пишиб гапириши, ҳаракатларидан билдимки, нимадир бошқача. Сизганимдек бўлиб чиқди ҳам: кўрикланаётган хонадонда ўғирлик бўлган экан. Сухбат ҳам шундан бошланиб кетди.

— Кечаси соат 03 дан 26 минут ўтганда, — деб гап бошлади Илҳом ака, — Шайхонтоҳур туманидаги 3-марказлаштирилган кўриқлаш пунктига кўрикланаётган хонадонларнинг биридан “ташвиш” хабари тушган. Милиция сержантлари Алимов, Очилов, Норбековдан иборат қўлга олиш гуруҳи зудлик билан воқеа жойига етиб бориб, ўғрини ушлади. У деразани синдириб, балкон орқали хонадонга кирган экан. Шу хусусда хозиргина Шайхонтоҳур туман кўриқлаш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция капитани Коленов ахборот бериб турган эди.

— Илҳом Икромович, марказлаштирилган кўриқлаш пунктлари хусусида кўп айтади. Аммо, бунга ҳамма ҳам тўлиқ тушунавермайди. Шулар ҳақида озроқ тушунча бермайсизми?

— Бу, агар қисқача таърифлайдиган бўлсак, хонадон ва биноларни уларга кўриқлаш-енгидан сақлаш сигналлашлари ўрнатилган кўриқлашдир. Хозирда шаҳарда 31 та шундай пулт ишлаб турибди. Улар орқали фуқароларнинг салкам 17 минг хонадони, корхона ва ташкилотларнинг 28 мингта махсус хоналари кўрикланади. МКПларнинг ҳар бирида қўлга олиш гуруҳи бўлиб, улар хабар тушган хонадонга жуда қисқа вақтда етиб бориш имкониятига эга. Бунинг учун улар керакли техника воситалари билан

таъминланган.

— Сизларнинг хизмат фақат МКП билангина маҳкаманинг оддий қоровулларидан фарқ қилмас керак?

— Асло, биз қоровуллардан фарқли ўлароқ объектни қандай бўлса, шундайлигича кўриқлайвермаймиз. Уни техник жиҳатдан мустаҳкамлаймиз. Бундан кўринадики, бизнинг вазифамиз фақат қовун бошига қора бўлиб туришдангина иборат эмас. Қандай бўлмасин кўрикланаётган объектда ўғирлик содир этилишига йўл қўймаслик. Агарда тасодиф юз бериб бизнинг айбимиз билан ўғирлик содир этиладиган бўлса, келтирилган зарарни ўз ҳисобимиздан тўлаймиз.

— Эшитишимча, кейинги пайтларда объектлар кўриқлаш учун сизлар билан тузган шартномаларини бузаётган эканлар. Бу гап қанчалар ҳақиқатга яқин?

— Айримлари бузаяпти. Бошқалари тузаяпти. Аммо бизни бошқа нарсга кўпроқ ташвишга солмоқда. Айрим корхона, ташкилот раҳбарлари ўн минг сўмини тежайман, деб миллиондан ажралиб қолмоқда. Арзон деб ўз қоровулларидан фойдаланишади. Уларнинг қўлларидан нима ҳам келарди. Мутахассис бўлмаса, қуролнинг ҳам тайини йўқ уларда, кейин ҳеч қаерда ўқимаган. Биз эса ходимларимизни, махсус ўқув комбинатимиз бор, ушунда ўқитамиз, тайерлаймиз.

Яқинда “Интер” фирмасидан 12 турдаги электрон асбоб-ускуналарни ўғирлаб кетишди. Уларнинг умумий нархи икки миллион сўмдан ортиқроқ бўлган. Ўғирлар қоровулнинг масъулиятсизлигидан фойдаланиб, деворни бузиб киришган. Яқинда Тошкент тўқимачилик комбинатида ҳам шунга ўхшаш ўғирлик содир этилди. Бироқ бу сафар ўғирлар кўппа-кўндузи ҳаракат қилишган ва кассанинг панжарасини йириб, пулларни ўмариб кетишган. Бундан ташқари, Тошкент автомобиль йўллари институтидан ҳам 2 миллион сўмликка яқин нарсга ўғирлаб кетилган. Бу ташкилотларнинг бирортаси биз билан шартнома тузмаган. Агар бизга объектларини кўриқлашга топширишганда, турган гапки, ушбу жиноятларнинг олди олинган бўларди.

— Илҳом Икромович, гапингизга қараганда, кўриқлаш хизмати анча қимматлашганга ўхшайди?

— У даражада осмонга чиқиб кетмаган-у, аммо ошган. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Улар бизга сира боғлиқ эмас. Хусусан, транспорт харажатларининг ошиши, МДХ давлатларида ишлаб чиқариладиган кўриқлаш аппаратуралари нархининг кўтарилиб кетиши бизни ҳам шу нарсга мажбур қилмоқда. Биз ҳеч қачон ўз хоҳишимиз билан кўриқлаш нархини оширмаймиз. Биз ҳам мажбур бўламиз.

— Жамиятнинг оғир иллатларидан бири — ташмачиликка қарши курашни кўриқлаш хизмати ҳам олиб боради. Бу борадаги ишлар Бошқармада қай тарзда йўлга қўйилган?

— Майда талончиликка қарши кураш борасидаги ишни режа асосида амалга оширамиз. Шу йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида 3439 майда талончи ушланиб, улардан 7 миллион 521 минг сўмлик моддий-товар бойликлари олинди ва давлатга қайтарилди. Айтиш лозимки, ташмачилар ўзларининг нопок ниятларини амалга ошириш учун қилма-хил усуллардан фойдаланишади. Шундай “ўзига хос” усуллардан бирига ходимларимиз Ж.Обидова номли тамаки фабрикасида дуч келишди. Улар фабрика ҳудудини айланиб юришган пайтда тўсик остида қазиб қўйилган лаҳмга кўзлари тушади. Тезда пистирма қўйилиб, лаҳмнинг “эга”лари кутила бошланди. Кўп ўтмай икки жиноятчи тутилди. Улар давлат нархи 34 минг 480 сўмлик бўлган “Ўзбекистон” ва “Астра” сигареталарини олиб чиқиб кетишмоқчи бўлишган. (ўша олдиндан қазиб қўйилган лаҳмлари орқали).

Кўп ҳолларда ходимларимиз ишни бу даражагача олиб келишмайдилар, албатта. Жиноят дастлабки поғоналардаёқ фош қилиб ташланади. Яна ўша тамаки фабрикаси ҳудудиди (бу ерни биз кўриқлаймиз) яқинда чиқиндиларнинг остига яшириб қўйилган 22 минг 500 кути сигаретани аниқладик. Унинг умумий нархи 806 минг 175 сўм экан.

— Корхона, ташкилотлар ўзларининг ташмачиларига қарши курашда сизларга ёрдам

кўрсатадими?

— Негадир ҳамма ўйлайдики, бу иллатга қарши фақат милиция курашиши керак. Йўқ. Агар бу курашда ҳамкорлик йўлга қўйилганда, ишонаманки, ташмачилик сезиларли даражада озайган бўлар эди. Фикримча, бу иш билан ҳамма шугулланиши керак. Ҳозирча бундай бўлаётгани йўқ.

Бундан ташқари, биласиз, кўриқлаш бўлиналари жамоат тартибини сақлашда ҳам фаол иштирок этишади. Ходимларимиз томонидан ўтган ўн ой мобайнида 458 жиноятнинг олди олинди ва очилди. Шаҳар миқёсида бўладиган барча тadbirlарда ҳам ходимларимиз фаол иштирок этиб келишмоқда.

— Бугунги кунда Бошқарма олдида турган муаммоларга ҳам тўхталиб ўтолмайсизми?

— Кўриб турганингиздек, Бошқарма жойлашган бино талаб даражасига жавоб бермайди. Кейин, автомашиналаримизни таъмирлайдиган устaxона ҳам очсакми, деган ниятдамыз, аммо ҳозирча жой масаласини хал қилолганимиз йўқ. Бундан ташқари, кўриқлаш-енгидан сақлаш сигнализация воситаларини қўшни мамлакатлардан келтириш бир қадар муаммо бўлиб турибди. Аммо булар ҳал қилса бўладиган масалалар. Уларни бартараф этиш учун Республика “Қўриқлаш” бирлашмаси ва Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти яқиндан ёрдам беришмоқда.

Гап келганда айтиб ўтиш лозим, бизга — яъни кўриқлаш ходимларига кўриқлаш хавфсизлиги тўлиқ таъминланмаган объектлардан фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи берилса. Худди ўт ўчирувчилар каби. Эшитгансиз, ўзингга эҳтиёт бўл, қўшининг ўғри тутма, деган гап бор бизда. Бир жиноят содир этилганидан сўнг қанчалаб пул сарфлаб очгандан кўра, унинг олдини олган яхши. Бу менинг шахсий фикрим, билмадим, бошқалар қандай қарайди (Илҳом ака менга сталиннинг устида турган альбомни кўрсатди. Унда Бектемир туманида жойлашган айрим омборларнинг суратлари бор эди). Мана, ўзингиз кўринг, деворлари қийшайиб, дарвозалари тешилиб етган шу омборларда миллион сўмлаб қимматга эга давлат мулкни сақлаш мумкинми? Биз эса шунчалар хўжасизларча ташлаб қўйилган

мулкларни кўра туриб, бирор чора қўллолмаймиз.

Бизни ташвишга соладиган нарсаларнинг яна бири кооператив қоровулларнинг ҳали ҳам батамом тугатилмаганлигидир. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 12 мартдаги қарорига биноан нодавлат кўриқлаш тузилмалари фаолиятини тугатиш лозим бўлсада, уларнинг айримлари бугунги кунгача фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Айрим корхоналар раҳбарлари учун ўзига бўйсунувчи қоровулни ушлаб туриш фойдалироқ бўлса керакда?

— Нимага шама қилаётганингизни тушундим, аммо халқда қўлидан тутмаган ўғри — ўғри эмас, деган гап бор. Ўша корхона раҳбарлари нима учун бундай қоровуллардан воз кечмаётганлари хусусида бир нарсга дейиш қийин. Нима бўлганда ҳам мутахассис кўриқчиларга ишонмай туришгани корхона учун фойда келтирмайди.

Умуман биз, нима бўлишидан қатъи назар ўзимизнинг олдимизга қўйган барча вазифаларни шараф билан адо этиб, республика иктисодини мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни кўшаверамиз.

Зокиржон ШАРИФ суҳбатлашди.

Суҳбатдошдан: Суҳбат қозғага тушириб бўлинган бир пайтда хушхабар эшитдик: Тошкент шаҳар ҳокимининг кўриқлаш бўлиналари фаолиятини тартибга солишга доир айрим чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори чиқди. Унда ушбу суҳбатда келтирилган кўпгина муаммоларни ижобий ҳал қилиш масалалари кўтарилган. Хусусан, унда мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарнинг объектлари мажбурий тарзда кўриқлаш бўлиналари билан шартнома тузилиб, кўриқланишга топширилиши назарда тутилади. Маълум қилишларича, бундай қарор кўриқлаш хизматининг равиолаштиришда жуда катта аҳамият касб этади.

Бундан ташқари қарорда Вазирлар Маҳкамасининг 133-сон қарорини сўзсиз бажарилишини таъминлаш, Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бошқармасига янги бино ажратиб масалалари ҳам назарда тутилган.

Бу ишларнинг ҳаммаси суҳбатдошимиз, ташкилотчи бошлиқ Илҳом Исмоловнинг ташаббуси билан амалга ошмоқда.

Тескари тарбия — жиноят

Чилонзор тумани прокурорининг катта ёрдамчиси, кичик адлия маслаҳатчиси М. Р. Пўлатова билан суҳбат.

— Ҳурматли Маила Раҳматовна, суҳбатимизни деярли ҳамма иллатларнинг ибтидоси бўлмиш тарбия, тўғрироғи тарбиясизликдан бошласак. Сизлар амалий фаолиятларингизда жиноятчилик ва тарбия масалаларига тез-тез дуч келиб турсаларингиз керак? Улар ҳақида қандай фикрдасиз? Ва уларнинг бир-бирига таъсири қай даражада деб ўйлайсиз?

— Оғриқли мавзулардан бирини тилга олдингиз. Унча-мунча қонунчилик борасидаги ишларга аралашиб юрган бўлсангиз биласиз, жиноятчилик оламининг ранг-баранглиги кишини ҳайратга солади: бунда қотилликдан тортиб ўз боласига қарамасликкача, ўғриликдан тортиб чайковчиликкача бор. Агар ушбу жиноятларнинг замирига назар ташлайдиган бўлсак, аксарияти нобоп тарбиядан келиб чиқаётгани кўринади. Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш учун тарбия билан пухта шугулланиш лозим. Умуман, тарбиянинг йўқлиги ҳали катта фожа эмас, аммо тескари тарбия — жиноят.

— Қайси маънода?

— Тўғри маънода. Бизга кўпинча шунга ўхшаш ишлар билан шугулланишга тўғри келади. Бунақа ишларни олиб

бориш бошқаларига қараганда бир қадар оғирлигини айтиб ўтиш лозим. Чунки, биламизки, она ҳар қандай шароитда ҳам ўз боласи учун куйиб-пишади, унинг соғлиги, саломатлиги деб жони ҳалак бўлади. Умуман онанинг боласи атрофида қанчалар парвона бўлишини айтиб ўтиришнинг ўзи ортиқча бўлса керак. Бу икки карра иккидек маълум нарсга... Сиз суҳбат мавзусини тўсатдан ўзгариб, тарбиядан она-бола муносабатларига ўтиб кетганимга ҳайрон бўлаяпсиз, чамаси? Аслида булар иккаласи уйғун нарсга. Бола учун тарбиянинг энг асосийси ва энг таъсирлиси онаси томонидан кўрсатилганидир. Энди тасаввур қилингки, мана шу тарбия тескари томонга бўлса... Жиноятчи бўлиб тутилмайдилар, деган гап кўп айтилади. Ҳақ гап.

— Жиноятчилар ота-онаси таъсирида шу йўлга кириб кетади, демокчимсиз?

— Унчалик ҳам қатъий қилиб қўймоқчимасман фикрни. Бу борада кўпинча икки хил ҳолат кўзга ташланади. Биринчиси, айтаётганим — ота-оналарнинг

фарзандига тескари таъсири, тўғрироғи тарбияси, иккинчиси ота-она томонидан тарбиянинг ўрнини бўш, очик қолдириш. Биз биламизки, табиат бўшлиқни ектирмайди. Унинг ўрни бошқа нарсалар билан тўлдирила бошлайди. Мен айтмоқчи бўлганим эса ота-онанинг фарзандга тескари таъсири... Афсуслар бўлсинки, ҳаётимизда бундайин ҳолатлар, оз бўлсада, учраб турибди.

Гулхумор деган жувон иккита фарзанди билан етоқхонада яшарди. Бу аёл бузуқлик йўлига кириб кетган бўлиб, болалари Абдурасул ва Абдуллаларга умуман қарамай қўйган. Улар оч, яланғоч, кўча-кўйда, ахлат қутилари атрофида эртадан кечгача дайдиб юришган, ойилари ишдан қайтгач ҳам уларга қарамаган. Чунки у кўпинча ўзи билан таниш-нотаниш эркакларни эргаштириб келиб, шулар билан андармон бўлган. Етоқхонадагиларнинг айтишларича, Гулхумор гоҳида кунига 4-5 талаб эркакларни ўзи билан эргаштириб келган, болаларининг олдида номатқул ишлар билан шугулланган. Бу-

нинг устига у турган хона яшаб бўлмас даражада ифлосланиб кетган. Ниҳоят, уни бизнинг талабимиз билан халқ суди оналик ҳуқуқидан маҳрум қилди. У ойлик маошининг учдан бирини болаларини боқиш учун тўлаб турадиган бўлди.

— Жамиятимизда ундай оналарнинг учраши ачинарли ҳол, уларнинг бу қилмишлари ҳақиқий ҳолатни белгиламасада, барибир жамоатчилик буларга қарши кескин курашмоғи лозим, токи иллат илдиз отиб кетмасин...

— Тўғри таъкидладингиз, буларга нисбатан бефарқ бўлмаслик лозим. Уларнинг қилмишлари шуниси билан хавфлики, улар еш авлоднинг маънан айниб кетишига жуда катта таъсир кўрсатади. Бунга, айниқса, бугун — еш авлод тарбиясига катта аҳамият берилаётган бир чоғда эътибор қаратмоқ лозим. Биз томонимиздан ҳам бу борада сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

— Маила Раҳматовна, энди суҳбат мавзусини бироз

ўзгартирсак. Қонунчиликда “чайковчилик” деган тушунча бор. Аммо бугун мезонлар бир қадар ўзгариб қолди, савдогар, бизнесмен, тadbirkор деган сўзлар пайдо бўлди, ана ўшалар илгари чайковчи деб юритилувчи биргина сўзнинг замирида пайдо бўлмадимикин? Агар шундай бўлса бугунги кунда чайковчининг мавқеи қай даражада? Ҳуқуқ идораларининг улар билан муносабати қанақа?

— Чайковчилик анча мураккаб иллатлардан бири бўлса керак. Унинг мураккаблиги шундаки, бугунги тузум ва қолипларнинг алмашиши жараёнида илгариги мезонларга дарз кетиб, ўрнини янгича қараш ва тушунақлар эгалладики, бу иктисодий соҳага ҳам тегишли. Бир қарашда бозор иктисодининг жорий этилиши билан чайковчи, деган ибора йўқ бўлиб кетгандай, аммо қандай туюлишидан қатъи назар, бу иллат бутунлай йўқолиб ёки савоб ишга айланиб кетгани йўқ. У бугунги кунда ҳам учраб турибди. Оз ҳам деб бўлмайди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари эса уларга қарши кескин кураш олиб бормоқда.

И. ШОМУРОВОВ суҳбатлашди.

БЕКАТ

ХИЁНАТКОР ИШОНЧ ТОПМАС

Кунлардан бир кун Мирзо Улугбек ҳузурига бир одам келиб, Ҳирот шаҳрининг қозикалонидан шикоят қилди:

— Бир кун Рум мамлакатига сафар қилмоқчи бўлдим. Сафарга керакли харажатдан ва оилам эҳтиёжидан ташқари, қўлимда яна беш минг ашрафий олтиним бор эди. Шу олтинларимни сафардан қайтгунимча ишончли бир кишига омонатга қўйишим керак эди. Ҳирот қозикалони жуда ҳам диндор, омонатга хиёнат қилмайдиган табаррук киши, деб ишонганим учун олтинларимни бир идишга жойлаб, унинг қўлига топширдим. Сафардан қайтганимдан кейин қозидан олтинларимни талаб қилган эдим, у тониб:

— Тентакмисан? Қачон менга омонат қўйдинг?! Ўзинг қандай одамсан? Мен сени ҳеч қачон кўрган эмасман. Бундай сўзни иккинчи марта қайтарма, агар яна қайтарсанг, тишларингни қоқиб ёки тилингни сугуриб олишни буюраман, — деб менга дўк урди, хизматчиларига буюриб, уйдан қўлаб чиқарди. Нима қилишимни билмай, арз-додимни сизга айтгани келдим.

Мирзо Улугбек бу одамга шундай деди:

— Қайғурма, мен эртага унинг уйига бораман, сен ҳам бор. У билан гаплашиб чиққунимча, кўча эшиги енида мени кутиб тур. Мен хайрлашиб кўчага чиқаман, у ҳам мени кузатиб кўчага чиқади. Отга минар чоғимда тиз чўкиб менга арз-додингни айтасан.

Мирзо Улугбек ўша кунни қозини ўз ҳузурига чақирди. Қози келгач, уни бир хилват жойга олиб кириб, айтди:

— Ҳурматли қози, мен ажойиб савдога гирифтор бўлиб қолдим, гаройиб бир мушкул масалани еча олмай, бошим қотиб қолди. Мен жуда ҳам кўп олтин, кумуш ва қимматбаҳо гавҳар, лаъл-ёқутларга эгаман. Ҳеч ким менинг хазинамдек бой бир хазина борлигини эслай олмайди. Мен бу бойликни вафотимдан кейин фарзандларимнинг бошларига бирор мушкул иш тушса, керак бўлиб қолади, деган мақсадда тўпладим. Агар тирикчилигимда фарзандларимга билдирсам,

вафот этган кунимдаёқ хазинам тор-мор бўлиб кетишига кўзим етади. Шунга кўра, кўзим очик вақтида хазинамни бир ишончли одамга омонат қўйишини истайман. Кимга омонат қўйишни ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят, сиз эсимга тушдингиз. Пайгамбаримизнинг ўринбосари бўлганингиз учун, диндорликда, омонатни сақлашда сизга тенгдош одам йўқ эканини тушуниб, хазинамни сизга омонат қўйишга қарор бердим. Вафотимдан кейин фарзандларим мушкул аҳволда қолсалар, омонатимни уларнинг қўлларига топширишингизга шубҳа қилмайман. Ҳозирча, мен билан сиздан бошқа одам бу сирдан хабари бўлмасин.

Қози Мирзо Улугбекнинг сўзларини эшитиб, шодликдан юраги ерилишига оз қолди. Омонатни эҳтиёт билан сақлаб, ҳамма ишни Мирзонинг айтганича бажаришга сўз берди. Ундан кейин Мирзо Улугбек:

— Сиз ҳозирча уйингизга қайтинг, насиб бўлса, эртага енингизга бораман, ҳар иккимиз хазина сақлаш учун мос бўлган пишиқ бир жой танлаймиз, — деб жавоб берди.

Эртаси кун унинг уйига келиб, у билан бирга ҳовлини айланиб, мустаҳкам бир жойни танлаган бўлди. Сўнгра, ўз саройига қайтмоқчи бўлиб, қози билан бирга кўчага чиқди. Қозига омонат олтин қўйган киши эшик олдида Мирзони кутиб турар эди. Мирзо Улугбек қози билан хайрлашиб, отга минар экан, ҳалиги киши тиз чўқди:

— Султоним, қозига бир омонат қўйган эдим... — У шундай дейиши билан оқ қозининг ранг-рўйи ўчди, тамом аъзойи бадани титради. У ҳалиги кишига нўписа қилиб кетди:

— Тентак бўлдингми? Подшоҳ енида тиз чўкиб, мендан шикоят қила бошлашинг тўғри эмас. Сен менга қўйган омонатингни талаб қилиб келдинг, мен уни қачон топиб бермадим?!

У хизматчисига омонатни келтиришни буюрди. Хизматчи идишга жойлаштирилган беш минг ашрафий олтинни келтириб эгасига топширди.

Мирзо Улугбек хиёнаткорни қозилик вазифасидан бўшатиб, жазо берди.

ЯХШИЛИК—ИНСОН ЗИЙНАТИ

Кишига ёмонлик истаган
ёмон,
Кўриб ранги-рўйи бўлади
сомон.
Ёмонлик кўрмайди оламда
ҳеч ҳам
Барчага яхшилик
тилаган инсон.
Носир ХИСРАВ.

Нимани ўзингга кўрарсан
раво,
Шуни ўзгаларга йўлла
доимо.
Неким истамасанг,
яхшими-ёмон,
Бошқага ҳам равон кўрма эй,
инсон!
Жалолиддин РУМИЙ.

Ҳар жойда ёмонлик ўргатар
ёмон,
Хас-чўпга ёпишар фарқ
бўлган инсон.
Ёмон кишиларга ҳамроҳ
бўлмагил,
Қорасин юқтирар мисоли
қозон.
Саъдий ШЕРОЗИЙ.



Сизда ором қайда?..

Шеърят дафтаридан

ҲОДИСА

Бир кун қутлуг ижод қадрини
билган
Зуккодил мухлиси жон пири тахлит
Севимли шоирин дўстлари билан
Меҳмондорчиликка айлади
таклиф.

Айтилган бош бўлиб, қолганлар
ёнбош,
Йиғилиб келишди турлик шоирлар.
Кун бўйи қотириб шеър йўлида
бош,
Анча ҳориганди шўрлик шоирлар.

Бисёр май келтирмиш аҳли
назмнинг
Феълин яхши билган серфаҳм
меҳмон.
Хуллас қизигандан-қизиди базм,
Май дегани сувдек оқди беармон.

Гарчанд сархушлиги турар

пайқалиб,
Тутилмас, шоирлар тили равон-да.
Шеър айтди жойида бири чайқалиб
Гўё хон юргандай тахтиравонда.

Ким туриб ўқиди, ким эса шеърин
Кўлин паҳса қилиб, бўкириб айтди.
Қайсиси титратиб уй тугул, ерни,
Қафасдаги шердек ўкириб айтди.

Оддий гуруҳ бўлса — дардга бор
даво,
Майхўрлик тинч поён топарди
балким,
Лекин жанжал кўзгалди, доҳийлик
даво
Қилакетди шу пайт ўзича ҳар ким.

Вазият танглиги аён сезилди,
Ихтилоф авжига минганда буткул.
Пошналар остида синди, эзилди

Зарб еб, ағдарилган тувакдаги гул.

...Болакай интилди гул томон
шошиб,
Кўрган кўзлар бир зум тортишди
ола.

Топталган хилқатни бағрига босиб,
Уйдан чиқиб кетди мунгайган бола.

Ичкаридагилар баҳс қуради,
Ким кимни мақтаса, ким
кимни койир.
Ташқарида эса йиғлаб турарди
Беқияс ёвузлик жонидан ўтган,
Пажмурда гулини кўксига тутган
Ўзбекистондаги энг катта шоир.

Туроб ЮСУФ.
Жиззах вилоятининг Пахтакор
тумани ички ишлар бўлими
ходими, милиция капитани.



Сўзсиз сураатлар ("Кюпи").



Хотин дўкондан нон қути
кўтариб келди. Эрининг жаҳли
чиқди:

— Эсингни ебсан! Уйда бир
томчи ҳам ичкилик йўқ-ку, бу
мебель олади! ***

Автобусда бир чол жой
бермай ўтирган ўсмирга насиҳат
ўқирди.

— Менинг, йигитча, бодим,
қон босимим бор, оёғим
қалтирайди... Аммо мен сенинг
ёшингда ҳар доим катталарга
жой бўшатардим...

— Мана, кўрдингизми, жой
бўшатишингиз нималарга олиб
келган, — жавоб берди ўсмир... ***

— Менга қаранг, берган куя
дорингиз ҳеч балого ярамас экан.
Куялар уни маза қилиб еяпти!
— Жуда яхши-да, Дорини

ейиш билан овора бўлиб, ки-
йимларингизга қарашмайди. ***

Маҳбус кружкани тўнкариб
ушлаб ажабланди:

— Бундан қандай ичиб бўлади?
Оғзини қовшарлаб
ташлашибди...

Камерадоши кружкани
айлантириб ушлаб кўриб, у ҳам
хайрон бўлди:

— Уни қара, таги ҳам йўқ-ку!

Милиционер белига арқон
боғлаб олган бир кишини
тўхтатди:

— Бу нима?
— Ўзимни осмоқчиман!
Хотиним кетиб қолди...

— Унда арқонни бўйинга
боғлашарди шекилли?

— Бўйинимга боғлаб кўрдим,
лекин бўғилиб қоляпман-да. ***

Ёш хотин эрига деди:

— Ҳолдан тойдим, бола
йиғлагани-йиғлаган. Ашула
айтиб берсаммикан?

— Эҳтимол. Аммо аввал
яхшиликчасига келишиб кўр.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Хурматли
СОЛИЖОН АКА!

Сизни 22 ноябрь —
таваллуд топган кунингиз
билан самимий кутлаймиз.
Сизга энг эзгу тилаклар —
бахт, тинчлик, саломатлик
ёр бўлсин. Сермашақат ва
серташвиш ишларингизга
доимо омад ва ривож
беришини яратгандан
сўраб қоламиз.

Эҳтиром билан турмуш
ўртоғингиз Мамлакатхон,
қизингиз Мафтуна,
ўғилларингиз Масъудбек ва
Ирисбек, жияларингиз
Қобилжон ва Алижонлар.



ХУРСАНДЧИЛИГИМИЗ ЧЕКСИЗ

Мен узоқ йиллар Бухоро вилояти
ички ишлар бошқармасида ишладим.
Унвоним — ички хизмат полковниги.
Оддий милиционерликдан бошқарма
бошлигининг биринчи муовини
даражасигача кўтарилдим.
Хаётимнинг навқирон даврини жиноят
қидирув ишларига бағишлаганман.
Вилоят ИИБ ЖКБ бошлиғи
вазифасида ҳам фаолият
кўрсатганман. Ҳозирги пайтда
нафақадор. Халқ демократик партияси
аъзосиман.

Маълумки, шу йил 5 октябрда
жиноят-қидирув хизматининг 75 йил-
лиги кенг нишонланди. Шу айём
муносабати билан вилоят ИИБ биз —
фахрийларга табрикнома ва
таклифнома юбориб, ИИБ биносида
учрашув ўтказди. Бошқарма бошлиғи,

полковник Мадрасул Собиров
фахрийларни табриклаб, барчамизга
совға сифатида Баҳовуддин
Нақшбанднинг 675 йиллиги му-
носабати билан соатлар тақдим этди,
шаънимизга илиқ сўзлар айтди.

Биз шунисидан хурсандмизки,
ИИБ раҳбарияти фахрийларга ҳамиша
ғамхўрлик кўрсатиб келишмоқда.
Байрамларда илиқ кутлов сўзлар би-
тилган табрикномалар оламиз.
Беморлик вақтимизда уйимизга “тез
ёрдам” машинаси, ҳакимларни
юборишади. Ҳолимиздан хабар олиб
туришади, моддий ёрдам
кўрсатишади. Шифокорлардан Зайнаб
Тошева, Любовь Асадова, Ўқтам
Иброҳимовлар бизнинг
саломатлигимиз учун доимо
ғамхўрлик қилишади.

Шу йил ҳисобидан фахрийлар
Сатторов, Элбеков, Норов ва менга
санаторийга, дам олиш уйларига
йўлланмалар беришди.

Кўрсатётган ғамхўрликларни учун
вилоят ИИБ раҳбариятига ўз
миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Биз сеvimли газетамиз “Постда”
газетасига ҳар йили обуна бўлиб
келяпмиз. Газета жуда яхши,
сермазун чиқаяпти. Ундаги мақолалар
завқ билан ўқилади.

Газетани бухоролик муштарийлар
ҳам севиб ўқишади. “Постда”га
келгуси йил учун кўпчилигимиз
аллақачон обуна бўлдик.

Бир гуруҳ фахрийлар номидан

Шамси РАҲИМОВ,
фахрий, ички хизмат полковниги.

ФАРҒОНА вилояти, Сўх тумани ИИБ
ДАН бўлини маси бошлиғи, милиция
лейтенанти Бахтиёржон Мелников ота
касбини танлаган йигитлардан. Унинг отаси
қарийб қирқ йил ички ишлар идораларида
ишлаган. Айни вақтда ўғил ота изидан
бормоқда.

СУРАТДА: Б. Мелников
устозларидан бири, нафақадор
Бовожон ака Тўроров билан дилдан
сўхбат қурмоқда.

Хусанбой МЕЛИБОВ
олган сурат.

ОБУНА-94

“Постда” — “На посту” газеталарига 1994 йил
учун обуна барча алоқа бўлимларида
чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда. Имко-
ниятингиз борида ҳаракат қилиб қолинг!

Эслатиб ўтамиз, ҳар бир газета учун обуна
баҳоси:

бир йилга — 4680 сўм,

олти ойга — 2340 сўм,

уч ойга — 1170 сўм.

Обуна рақами (индекси): 64615 ва 64616.



БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

ТАБИАТ ВА БИЗ

Табиат муҳофазаси, экологик
мусаффоликка эришиш бугунги
куннинг биринчи галдаги ҳал эти-
лиши лозим бўлган муаммолардан
бўлиб қолди. Чунки шу яшаб турган
атроф табиий муҳитнинг софлиги,
тозаллиги ҳаммамиз учун, қолаверса
келажак авлод учун жуда ҳам
муҳим. Биз энди охириги ўн йил-
ликда йўл қўйилган хатоларни яна
такрорлайдиган бўлсак, ўтмиш ва
келажак олдида гуноҳкор бўлиб
қоламиз.

Ҳозирги кунда кимдан бўлмасин
экологик аҳволнинг ёмонлашувига
сабаб нима, деб сўрасангиз,
уларнинг жуда кўпчилиги Орол ва
Оролбўйини ҳамда қишлоқ
хўжалигида ишлатиладиган кимё-
вий дориларни сабаб қилиб
кўрсатади, ариқларга
ташланаётган ахлатлар ҳақида
гапирдиладар. Бу тўғри, лекин биз
кам пайқайдиган шундай ҳолатлар
борки, улар келтираётган зарарлар
юқорида санаб ўтилган
ҳолатлардан асло кам эмас.

Транспорт воситаларидан чиқиб,
бурқсиб кўкка ўрлаётган тутун ва
чиқинди газлар шундайлардан
ҳисобланади.

Ана шу ҳолатларни ҳисобга
олган ҳолда Республика Ички
ишлар вазирлигининг буйруғи
билан Давлат автомобиль назорати
бошқармаси қошида Экологик
муаммолар бўлими ташкил этилди.
Бўлим ходимлари иш
бошлаганликларига қисқа вақт
бўлсада, лекин анчагина ибратли
ишларни амалга оширдилар.
Уларнинг экологик мусаффолик
йўлидаги хайрли ишлари барчани
мамнун қилмоқда.

— Экология, яъни атроф-муҳит
мусаффолиги ҳақида қайғуриш, шу
мусаффоликка озми-кўпми ҳисса
қўшиш ҳар бир инсоннинг муқаддас
бурчи, — дейди бўлим бошлиғи, ми-
лиция подполковниги Тўра Очилов,
— ҳаммамизнинг келажак авлодлар
олдидаги масъулиятли
вазифамиздир. Шу сабабдан ҳам
бўлимимиз дастлабки иш

кунлариданоқ тоза ҳаво учун
курашни ўзига шиор қилиб олди ва
биринчи ўтказилган тадбирнинг
ҳам номи “Тоза ҳаво” деб номланди.
Бу тадбир республика нефть ва газ
миллий корпорацияси ва Табиатни
муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
билан ҳамкорликда ўтказилди.
“Тоза ҳаво” тадбири ўтказиш
пайтида республика ҳудудидagi
автотранспорт саройлари ва
хўжаликлар, шахсий
фойдаланишда бўлган транспорт
воситалари текширувдан
ўтказилди. Улардаги техник ҳолат
ва чиқинди газлар ҳамда туташ
меъёри қандай эканлиги
аниқланди. Тартиб-қондани бузган
шахсларга нисбатан чора кўрилди.
Текширув вақтида, айниқса,
вилоят ДАН ходимларининг
хизматлари катта бўлди. Масалан,
Жиззах вилояти ИИБ ДАН
бўлимининг экология муаммолари
билан шуғулланувчи бўлини маси
бошлиғи, милиция капитани
Яхшибой Ниёзов, катта нозир

Баҳодир Бобомуродовларнинг
жонқуярлиги, Тошкент шаҳар ИИБ
ДАН бўлимининг экологик
муаммолар билан шуғулланувчи
бўлини маси бошлиғи, милиция майори
Комил Усмонов, взвод сардори, ми-
лиция катта лейтенанти
Абдуғаффор Жўраевларнинг
сидқидилдан қилган меҳнатлари
тахсинга лойиқдир. Шунингдек,
Тошкент вилояти ИИБ ДАН
бўлимининг экологик муаммолар
билан шуғулланувчи гуруҳ
бошлиғи, милиция катта
лейтенанти Нурилла
Хайруллаевнинг ҳам хизматларини
алоҳида таъкидлаш жоиз.
Юртдошларимизни ишонтириб
айтишим мумкинки, атроф-муҳит-
нинг мусаффо бўлиши учун
бўлимимиз ходимлари бундан
кейин ҳам бор кучлари билан
хизмат қилаверадиладар.
Тўра Очиловнинг гапларига
қараганда, тадбир ўтказилиши
чоғида чиқинди газлар ва тутун
меъёрини ўлчаيدиган асбоб-

ускуналар етишмаслиги сабабли
бир қанча қийинчиликларга дуч
келинди. Лекин шунга қарамадан
ДАН ходимлари кўзлаган
мақсадларига эришдилар ва
кўпгина нуқсон-камчиликларни
аниқладиладар.

Халқ соғлиги — юрт бойлиги,
дейди доно халқимиз. Бугунги
кунда барчамиз, хоҳ ДАН ходими,
хоҳ ҳайдовчи, хуллас ким
бўлишимиздан қатъи назар, ўз
соҳамизда озодаликка, атроф-
муҳитнинг софлигига эришайлик,
токи келажак авлод олдида юзимиз
ёруғ бўлсин.

Исроил САЙДИКАРИМОВ.

ЭЪЛОН

1993 йилда Тошкент савдо
техникуми томонидан Шавкат
Шухратович Рўзиев номига
берилган 403543 рақамли
диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини
кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа
маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши
мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф
жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос
тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайд.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — 658, 33.029 нусхада босилди.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир —
39-70-40, муҳаррир ўринбосари —
39-77-23, масъул котиб — 59-29-66,
муҳбирлар бўлими — 59-20-92, уму-
мий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаачилик концерни.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.